

## «Бобурнома»нинг илк қўлёзма нусхаси юртимизга топширилди



12:40 / 20.04.2021 2302

Ўзбекистоннинг Техрондаги элчихонасида Эрон Форс тили ва адабиёти академияси раисининг ўринбосари Муҳаммад Нассири, Ислон ҳамкорлик ташкилоти Илмий-техник ҳамкорлик қўмитаси (COMSTECH) ҳузуридаги Ислон университетлари аро виртуал тармоқ (CINVU) Бош котиби Карим Барзегар Нажафий билан учрашув ўтказилди. Бу ҳақда «Дунё» АА манбасига таяниб, Ўзбекистон мусулмонлари идораси матбуот хизмати хабар беради.

Тадбирда Муҳаммад Нассири Техрон шаҳридаги «Гулистон саройи» музейида сақланаётган «Бобурнома» қўлёзмасининг кўчирма нусхасини Ўзбекистоннинг Эрондаги дипломатик ваколатхонаси раҳбари Баҳодир Абдуллаевга топширди.

Суҳбатдош ушбу қўлёзма ноёб ва дунёда ўхшаши йўқлигини таъкидлади. У насталиқ услубида ёзилган ва кўплаб таниқли бобуршунослар унинг ўзига хослиги ва аҳамиятини тасдиқлайди.

Баъзи маълумотларга кўра, қўлёзма Бобур тириклиги даврида кўчирилган бўлиши мумкин. Китоб қўлдан қўлга ўтиб, Эронга кажарлар сулоласи вакилларида Насриддин Шох Кажар (1848-1896) даврида келиб қолган. Асар сўнгги 150 йил давомида «Гулистон саройи» музейида сақланиб келинмоқда.

Учрашувда Муҳаммад Нассири май ойининг ўрталарида ўзбек бобуршунослари билан тажриба алмашиш, «Бобурнома» ҳақида тайёрланаётган китобини янги материаллар билан тўлдириш учун Ўзбекистон фондларида сақланаётган қўлёзмалар билан танишиш мақсадида мамлакатимизга келишни режалаштираётганини маълум қилди.

**Манба: muslim.uz**